

## ИЖТИМОЙ ПРОФИЛАКТИКАНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ

Сотволдиева Ҳамидахон Муҳаммаджон қизи

*мустақил тадқиқотчи*

**Аннотация:** *Ушбу мавзунинг долзарблиги аҳолининг ижтимоий муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш орқали ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш. Шуниндек ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи субъектлар, уларнинг асосий вазифалари, амалга ошириладиган чора-тадбирлар тизими тақлиф ва тавсия сифатида киритилган.*

**Калит сўзлари:** *ижтимоий профилактика, барвақт олдини олиш, ҳуқуқбузарлик, ижтимоий муаммолар.*

Ҳозирги кунда ривожланиб бораётган давлатлар ичида Ўзбекистон Республикасида ҳам суд-ҳуқуқ соҳасида бир қанча ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда. Шуниндек бу соҳадаги ислохотлар фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш нафақат фуқаролар ва уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган бўлиб, ҳар бир демократик жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари устунлигидан далолат беради. Шу маънода айтиш жоизки давлатда ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг камайтириш буларнинг барвақт олдини олишда бир қанча самарали дастурлар ишлаб чиқилиб жамиятда кенг кўламда амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда жамиятни ривожлантиришда ҳар томонлама ижтимоий, иқтисодий соҳалар ҳам катта ўрин тутаяди. Шу борада суд-ҳуқуқ соҳасида амалга ошириладиган ислохотлар бугунги кунда ўз исботини топмоқда. Биргина мисол аҳоли муаммоларини ўрганиш орқали уларнинг турли ижтимоий масаладаги камчиликларини бартараф этиш билан бир қаторда бир қанча ҳуқуқбузарлик содир этилишини олди олинмоқда десак муболаға бўлмайди.

Шу борада мамлакатимизда ҳам бир қанча тизимли ишлар амалга оширилмоқда яъни аҳоли муаммолари билан ишлаш, мҳаллаларда кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга мучтож оилалар, ёлғиз кексалар, ногронлиги бўлган фуқароларни қўллаб-қувватлаш уларни мавжуд муаммоларини ҳал этиш аҳолининг ишсиз қолган қатламини бандлигини таъминлаш муҳим вазифаларга қаратилиб, ҳеч қандай меҳнат билан шуғулланмайдиган, даромади бўлмаган моддий етишмовчилиги бўлган шахслар томонидан содир этилиши мумкин бўлган салбий ҳолатларни олдини олиш мақсадида оилани қўллаб қувватлаш вазирлиги билан ҳамкорликда тушунтириш ишлари амалга оширилмоқда. Бугунги кунда жамиятимизда ижтимоий профилактика кенг қулланиб келинмоқда, бу йўналишда аҳолининг ҳар томонлама ижтимоий масаладаги муаммоларини ҳал этишда бир қанча чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда, юқорида кўрсатиб ўтилган бир қанча вазифаларни амалга ошириш орқали

жамиятимизда уюлмаган ёшлар, ишсизлар, ижтимоий ҳимояга мўхтож, ёлғиз кексалар, боқувчисини йуқотган айёлларга манзилли ёрдамлар кўрсатилиб, ушбу турдаги муаммоларини ҳал этишлик келгусида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга катта туртки бўлмоқда.

Ҳозирги кунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида ҳам бир қанча ислохотлар ва тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Шуниндек профилактика ишини аҳоли, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа инситутлари билан яқин ҳамкорликда ташкил этилиб, ушбу ишни, биринчи навбатда, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишни таъминлаш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларни қонунга ҳурмат ва қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига муросасиз муносабатни сингдиришга қаратилган асосий чора-тадбирлар белгилаб берилган. Шу билан бир қаторда жамиятда ижтимоий масалаларни ҳал этишда турли муаммоларнинг илмий-назарий ва амалий таҳлилари ишлаб чиқилмоқда. Бугунги кунда ривожланиб бораётган давлатимизда жинойтчиликка қарши курашиш ва уларни содир этилишлигини камайтириш мақсадида бир қанча қонун ва қонуности ҳужжатлар қабул қилинмоқда, бунга биргина мисол “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунинг янги лойҳаси ишлаб чиқилмоқда ушбу қонун орқали замонавий жинойтларга қарши курашишда кенг қўлланма давлат дастурлари асосий стратегик ва ташкилий-тактик чора-тадбирлар ҳам тақлиф сифатида киритилмоқда, шу борада қонунчиликдаги лойҳага ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг бир тури сифатида “ижтимоий профилактика”ни ҳам киритиш мумкин, яъни бу тур орқали аҳолининг ижтимоий кўмакка мухтож қисмини турли ҳилдаги муаммоларини ҳал этишда уларнинг турли ноҳўя хатти-ҳаракатлар содир этилишини олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Шу борада қонунчиликда “ижтимоий профилактика” тушунчаси, уларнинг асосий чора-тадбирлари ва амалга оширувчи субъектлари аниқ белгилаб берилиши лозим.

Фикримизча қуйидагича таъриф бериш лозим деб ўйлайман : Ижтимоий профилактика – ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи орган ва муассасаларнинг жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар ва ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлаш, ҳисобини юритиш ва ҳар томонлама ижтимоий ҳимоя қилиш орқали ҳуқуқбузарлик содир этилишини барвақт олдини олиш фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий профилактикасидир. Шуниндек ижтимоий профилактика турининг чора-тадбири сифатида қуйидагиларни белгилаш лозим:

- ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастури ва бошқа дастурлари ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;
- аҳолини кийнаб келаётган турли ижтимоий муаммоларини ҳал этишда бошқа ваколатли давлат органлари билан ҳамкорлик механизмларини амалга ошириш;
- ижтимоий ҳимояга мухтож шахслар тоифасини аниқлаш ва уларни ҳисобини юритиш;

□ жабрланиш эхтимоли юқори бўлган ижтимоий ҳимояга мухтож шахслар тоифаси билан манзилли профилактик тадбирларни амалга ошириш;

□ ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларни ҳуқуқбузарлик содир этишга туртки берувчи сабаб ва шарт-шароитларини ўрганиш ва тизимли ҳал этиш;

Шу билан бир қаторда ижтимоий профилактикани амалга оширишда иштирок этадиган давлат органлари ва муассасалар таркибига тадбиркорлик субъектлари, диний ташкилотларни киритиш мумкин.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикаси “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун;

2. “Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини илмий жихатдан асослантириш лозим” номли мақола.